

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тарих фанлари доктори, DSc

ШАЙХ УМАР ВАЛИЙ БОҒИСТОНИЙ ВА УНИНГ БУХОРОЛИК УСТОЗИ ШАЙХ ҲАСАН БУЛҒОРИЙ

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлганидек, Тошкент вилоятидаги муқаддас зиёратгоҳлар ҳам халқимизнинг тарихи ва урф-одатлари, миллий кадриятлари, диний бағрикенглиги, маънавий салоҳиятини намоён қилади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Нанай ва Бурчмулла қишлоқлари оралиғида Боғистон қишлоғи, яъни “боғлар ўлкаси” жойлашган. Боғистон Умар Валий мажмуаси ёки Мозори Шахмар бува зиёратгоҳи бўлиб, у Мозорсой ва Пском дарёлари кесишган жойда, қишлоқнинг ғарбий қисмида жойлашган¹.

Шайх Умар Валий Боғистоний ўз даврида тасаввуфнинг йирик вакили, омма орасида авлиё сифатида машҳур бўлган. У Тошкент музофотининг (вилояти) Боғистон қишлоғида таваллуд топган. Шайх Умар Боғистонийнинг туғилган йили номаълум, вафоти эса 691 ҳ./1291 йил.

У Шайх Хованди Тахурнинг отаси. Шайх Хованди Тахур тариқат илмининг илк сабоқларини отасидан олган. Шайх Умар Боғистонийнинг насабномасига қараганда, ўн олти ота-бобо билан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин чорёрларнинг иккинчиси – Ҳазрат Умар ибн Ҳаттобга бориб туташади.

Бу ҳақда Мавлоно Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин” асарида ҳам таъкидланган: “Бизнинг Ҳазрати Хожамиз (Хожа Аҳрор)нинг оналари Хожа

Довуднинг қизлари бўлган. У Шайх Хованди Тахурнинг ўғиллари бўлган. У зот эса Ҳазрати Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди. Улар эса ўн олти восита ила Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоҳу анҳумага етишадилар. Хожа Довуднинг оналари эса ота тарафдан саййида (саййидзода) бўлган. Шайх Хованди Тахурнинг оналари ҳам саййидлардан бўлган”².

Шайх Умар Боғистоний Мовароуннахрнинг йирик шайхларидан бири бўлиб, Мавлоно Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Рашаҳот айнил-хаёт» асарида айтилишича, Шайх Умар Тошкент яқинидаги Боғистонда туғилганлар ва насаблари ўн олти халқа орқали халифа Абдуллоҳ ибн Умар ал-Ҳаттобга бориб такалади.

Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов ўзининг “Ўзбекнома” асарида бу ҳақда шундай ёзган:

*Умар Боғистоний – қутб-ул авлиё,
Аллоҳ раҳматида бўлсин доимо.*

*Катта бобосининг Шайхга нисбатан,
Ўн олти авлодин боғлаб бир расан.*

*Умар бин Хаттобга пайванд айламиш,
Буюк халифага фарзанд айламиш³.*

Академик Ботирхон Валихўжаевнинг ёзишича, Шайх Умар Боғистоний (баъзан

¹ Атрофлари Тошкент бўйлаб – По окрестностям Ташкента – Round outskirts of town Tashkent / Составители: В. Артемьев, А. Урманова при участии Н. Нижневской, В. Газиева. – Т.: ТАШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ, 2012. – С.89.

² Мавлоно Муҳаммад Қози. “Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин”. ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 6114. 41 а-саҳифа.

³ Исломов З., Мақсудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. Б. 6.

Тошкандий тарзида ҳам эсланади, чунки Боғистон Тошкентга қарашли тоғ этагида жойлашган мавзе) XIII асрда ҳаёт кечирган табаррук зотлардан бўлиб, “Рашаҳот”да уқтирилишича, Боғистонда туғилганлар ва шарафли насаблари ўн олти восита билан Абдуллоҳ бин Умар Хаттобга бориб етар экан.

Шайх Умар Боғистоний аввалида, ўз шаҳрида таълим олиб, сўнг Бухорога бориб, кутб ул-восилин, деб эътироф этилган, мажзуби маҳбуб саналган, Шайх Ҳасан Булғорий (1208-1298) ҳузурида тасаввуф соҳасидаги билимларини янада чуқурлаштиргач, ўз шаҳарларига қайтиб келиб, тасаввуф соҳасида комиллик даражасига эришган сиймо сифатида таниладилар. Шайх Умар Боғистонийнинг сулуки жазба (жазава) бўлиб, бу жиҳатдан турк машойхлари билан ҳамоҳангдирлар. Тарикат соҳасидаги комиллик туфайли шайх Умар Боғистоний Туркистон ва Мовароуннаҳрда шуҳрат топдилар. Шунинг учун ўша даврда довруқ таратган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Шайх Умар Боғистонийни ниҳоятда эҳтиром этар эканлар. Бу ҳақда Хожа Аҳрори Валий Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг етук шогирдларидан бўлган мавлоно Яъқуб Чархийдан эшитган гапларни айтар эдилар: “Мавлоно Яъқуб Чархий менга айтдиларки, – деб эслайдилар Хожа Аҳрори Валий, ҳазрати Хожаи бузург, яъни хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Умар Боғистонийнинг тарикатларига (йўл, усул) эътиқод қилиб, уни маъқуллардилар ҳамда айтур эдиларки: «шайх Умар Боғистоний тарикатларидаги жазба (жазава)да чексиз шодлик, жўш-хуруш, ўзини йўқотиш даражасида завқланиш ҳолати самимий интилиш ва доимийлик билан уйғунлашиб кетган”.

Шундан сўнг мавлоно Яъқуб Чархий айтдиларки, «Хожа Баҳоуддин ҳазратларининг Шайх Умар Боғистоний ва ул кишининг тарикатларига оид бу таъриф – мактовлари ниҳоятда гўзалдир. Чунки жазба (жазава)нинг хосияти кишидаги завқланиш даражасига боғлиқ бўлиб, ундан сўнг шариат русумларига итоат қилиш қийин бўлиб қолади. Бундай ҳолатда кўпгина жазба (жазава) аҳли ўзини идора қила олмайдиган ҳолатга тушади, аммо фақат улуғ зотларгина бундай ҳолатда ўзларини жамлай оладилар, яъни ўзларининг ҳолатларини бошқара оладилар. Бас шундай экан, ҳазрат

хожа Баҳоуддин шайх Умарни улуғ зот сифатида таърифлаганлар”⁴.

Шайх Умар Валий Боғистоний Баҳоуддин Нақшбанд тариқатида бўлгани қатор манбаларда зикр қилинган. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам ўзига хос камтарона тарзда кечган. Шайх Умар Боғистоний илм ўрганиши ниятида Бухорога келади ва бу ерда Шайх Ҳасан Булғорий билан учрашиб, унга мурид бўлади. Шайх Умар Боғистоний уч йиллик хизмат ичида Ҳасан Булғорийдан таълим олади ва касбу камолот ҳосил қилади.

Шайх Умар Боғистоний дастлаб ўз шаҳарларида, сўнг Бухорода “Қутбул-восилин” деб эътироф этилган, хожагон тариқати вакили бўлган Шайх Ҳасан Булғорий ҳузурларида уч йил мобайнида тасаввуф билимлари, диний ва дунёвий илмларни эгаллайди. Асли Озарбайжонлик, лекин бир муддат Бухорода истиқомат қилган Шайх Ҳасандан илмни пухта эгаллагач, ўз шаҳрига келади. У ерда халқни тўғри йўлга, илму маърифатга чақиради. Камтарона ҳаёт кечириши билан одамларга намуна бўлади ҳамда деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб, ҳалолликни устун қўяди. Шайх Умар Боғистоний Туркистон ва Мовароуннаҳрда катта шуҳрат қозонади⁵.

У шайх Ҳасан Булғорий қўлида валоят даражасини топгани туфайли ўз пири каби Шайх номига мушарраф бўлган.

Шайх Умар Боғистоний тасаввуфда камолга етгандан кейин ватани Боғистонга қайтиб келади ва халқни роҳи рост (тўғри йўл)га ва илму ирфонга тарғиб қила бошлайди.

Тарихчи Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳот” китобида ёзилишича, Шайх Умар Валий Боғистоний камтарона ҳаёт кечириши билан одамларга ибрат бўлган. У деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари билан шуғулланган ва ўз касб-коридан ҳалол тирикчилик қилган. У катта мулла ёки катта суфий бўлишни ўзига шараф дейишни билмаган ва шуҳрат орқасидан қувмаган: оддий, бироқ ҳақиқий инсон бўлишга интилганки, биз буни ўғли Хованди Тахурга қилган насиҳатидан кўрамыз.

⁴ Ботирхон Валихўжаев. Буюк маънавий муршид // Хожа Аҳрори Валий шажаралари. Учинчи қисм. 175-ташриф.

⁵ Исломов З., Максудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. Б. 6.

Фахруддин Али Сафийнинг “Рашахот” китобида унинг ўз ўғли Хованд Тахурга айтган қуйидаги сўзларини келтиради: “*Тахур, мулла бўлма, сўфи бўлма, у бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл*”⁶. Шайх Умар Валий Боғистонийнинг ушбу пурҳикмат сўзлари айниқса, ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлиб, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Фахруддин Али Сафийнинг ёзишича, Шайх Хованди Тахур илми зоҳирий ва илми ботиний сир-асрорларидан воқиф бўлиб, соҳиб каромат шайхлар орасида юксак мақомга эришган.

Шайх Умар Боғистонийнинг бирор бир асар ёки китоб битганлари ҳақида маълумот йўқ. Лекин у зотнинг ҳикматли сўзлари, ўғитлари ёзма ва оғзаки ҳолда сақланиб қолган.

Жумладан, бир ривоятда шундай дейилади: “Бир киши тариқат сирларини ўрганиш учун олис ердан Шайх Умарнинг олдиларига келади. Шайх Умар у кишидан сўрайди:

– Сен яшайдиган жойда масжид борми?

Айтади:

– Бор.

Яна сўрайди:

– Ислон аҳкомларини биласанми?

Айтади:

– Биламан.

Шунда Шайх Умар айтади:

– Ундай бўлса, бу ерга келиб нима қилардинг? Ибодат аҳкоми маълум бўлса, ибодат жойи маълум бўлса, *қайтиб бор-да*, ўша ишинг билан шуғулланавер».

Мазкур мазмунда Шайх Умар Валий Боғистонийнинг қуйидаги ҳикматли сўзлари ҳам омма орасида кенг тарқалган:

*“Биз муриднинг кўнглини бошқа нарсалардан бўшатиб, уни аҳадият (Аллоҳ) томонига қаратамиз. Буларнинг ҳаммасини Аллоҳ қилади, биз сабабчимиз холос”*⁷.

Яна бир ривоятда шундай дейилади: “*Бир сафар шайхнинг ҳузурига ўзга юртлардан бир неча киши ишга ёлланиш учун келган. У киши бу дарбадарларга тоғ қияликларини бегона ўтлардан тозалашни буюрган. Маҳзун чехрали*

*дарбадарлар қандайдир дуо ўқиган экан, ёввойи ўт-ўланлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолибди. Шайх эса эрта тонгдан қош қорайгунча тиним билмай ишлабди. Баъзи дарбадарлар Умар Валининг илоҳий кучи борасида шубҳага боришибди. Ана шунда шайх ҳазратлари тафаккур кучи билан иккита улкан тут дарахтини илдизи билан суғуриб, яна жойига ўрнатган эканлар. Шу зайил у киши қалб Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлсин, деган ақидани эслатган эканлар. Бошқа бир афсонага кўра ҳазрат бир коса қатиқ ва битта нон билан дарбадарларни тўйдирган эканлар. Ёки бошқа бир кечмиш воқеага кўра, шайх ҳазратлари меҳмонга кетаётганлар бемалол ўтиб олсин, дея ўқириб ётган тоғ дарёсини музлатиб қўйган эканлар. Бошқа бир афсонада айтилишича, у кишининг боғларида қаҳратон қишида ҳам тоқлар барқ уриб яшаб, узум шундоққина пишиб ётган. Бу ривоятнинг бир жиҳати шайх ҳазратларининг ажойиб бозбон, соҳибкор эканликларига ишорадир”*⁸.

Шайх Умар Валий мақбараси сўлим боғда жойлашган. Қадимий боғда икки муқаддас даргоҳ мавжуд: Шайх Умар Валий мазори ва Шайх Довуд мазори... Бинонинг кириш қисмида қайроқ (тошдан кабртош) ўрнатилган, унда араб тилидаги ёзувлар бор... Шайх Довуднинг мақбараси муқаддас арча дарахти остидан жой олган. Маҳаллий аҳолининг ривоятига кўра, боғдаги дарахтларнинг Хожа (Хўжа) Аҳрор⁹нинг ўзи ўтказган ва унинг яхши ниятлари тимсоли ҳисобланади. Шу боис, бугунга қадар маҳаллий аҳоли қадимий дарахтларни боқий ҳаёт ва серҳосиллик тимсоли сифатида ардоқлашади¹⁰.

Шайх Умар Боғистоний ўзининг камтарона турмуш тарзи, ҳалоллик, хокисорлик тимсоли сифатида халқ ўртасида машҳур бўлиб, кўплаб оғзаки ривоятлар мавжуд. Муҳими, комил инсон тарбиясида Шайх Умар Боғистоний ва унинг устози Шайх Ҳасан Булғорийлар ҳаёт йўли, ўғитлари биз учун ибрат бўлиб қолаверади.

⁸ <http://adolat.uz/yangiliklar/5046> Ирина Гребенюк. Улуғ зотлар ила кўкси осмон Боғистон

⁹ Хожа Аҳрор Шайх Умар Валий Боғистонийнинг авлоди саналади. Шайх Хованд Тоҳур Шайх Умар Валийнинг фарзанди бўлиб, Хожа Аҳрорнинг онаси Хожа Довуднинг қизи бўлган. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тахурнинг ўғлидир.

¹⁰ Атрофлари Тошкент бўйлаб – По окрестностям Ташкента – Round outskirts of town Tashkent / Составители: В. Артемьев, А. Урманова при участии Н. Нижневской, В. Газиева. – Т.: ТАШКЕНТБОШПЛАНЛИТИ, 2012. – С.89.